

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

*Тошкент Амалий фанлар университети  
«Молия ва бухгалтерия ҳисоби» кафедраси  
ўқитувчиси Абдуллаев Илёс Ахмадович*

**Аннотация:** Мамлакатимиз корхоналарида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** билимлар иқтисодиёти, рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, рақамли трансформация экотизими, рақамли инновациялар, ахборот технологиялари, телекоммуникация, хизмат кўрсатиш.

**Аннотация:** Разработаны практические рекомендации и предложения по внедрению информационно-коммуникационных технологий на предприятиях нашей страны и повышению эффективности их использования.

**Ключевые слова:** экономика знаний, цифровая экономика, цифровые технологии, экосистема цифровой трансформации, цифровые инновации, информационные технологии, телекоммуникации, сервис.

**Abstract:** Practical recommendations and proposals have been developed for the introduction of information and communication technologies in the enterprises of our country and increasing the efficiency of their use.

**Key words:** knowledge economy, digital economy, digital technologies, digital transformation ecosystem, digital innovation, information technology, telecommunications, service.

### Кириш

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг иқтисодий ўсиши авваломбор билимлар ва интеллектуал потенциал ҳисобига амалга оширилмоқда. 1962 йилда австриялик олим Ф.Махлуп томонидан “билимлар иқтисодиёти” ибораси илк бор амалиётга киритилиб, унинг остида миллий иқтисодиётнинг бирор бир сектори тушуниланган.

Ҳозирги кунда эса ушбу ибора миллий иқтисодиётнинг турини аниқлаш учун ишлатилиб, унда билимлар асосий роль ўйнамоқда. Иқтисодий ўсишнинг манбаси бўлиб эса билимларни ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобланмоқда. Билимлар иқтисодиётининг шаклланиб бориши жараёнларини давлатдаги иқтисодиёт ва институтционал ҳолат индекси, билимлар индекси, инновациялар индекси, таълим индекси ва АКТ индекслари асосида кузатиб

бориш мумкин. Шунинг учун ҳам билимларга қилинаётган инвестициялар миқдори асосий фондларга қилинаётганларга нисбатан ўсиб бормоқда. Билимлар – маҳсулотдир, бир томондан, шахсий бўлиб, бошқа томондан эса жамоавийдир, яъни улардан барча кишилар фойдаланишлари мумкин.

*Иқтисодий ўсиш* — маълум бир давр мобайнида миллий иқтисо-диётдаги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш ҳажмининг юксалиб бори-шидир. Унда кўпгина омиллар ўз аксини топади, яъни миллий ресурслардан рационал фойдаланиш, иқтисодиётнинг барча даражаларини самарали бошқариш, юқори даражадаги рақобатбардошликни нафақат ички бозорда, балки глобаллашув жараёнлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ташқи бозорда ҳам таъминлаш керак.

Иқтисодий ўсишнинг мутлақ кўрсаткичлардаги ифодасини ЯИМ, миллий даромад, миллий бойлик, давлатнинг тўлов баланси ва олтин-валюта захиралар юксалишида кўриш, нисбий миқдорий иқтисодий кўрсаткичлардаги ифодасини эса аҳоли жон бошига ЯИМ, аҳоли даромадлари, истеъмол миқдори, жамғармалар, инвестициялар тўғри келиши билан изоҳлаш мумкин.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ўсишини аниқлашда сифат кўрсаткичлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Унга аҳолининг билимлилик даражаси, саломатлиги, миллий иқтисодиётнинг тармоқ бўйича таркибланиши, жамиятнинг инфратузилмавий ривожланиш даражалари киради. Бундан ташқари иқтисодий ўсиш аҳолининг турмуш сифати ва даражаси ўсиши билан ҳам яқиндан боғлиқ бўлиб, у ўз ўрнида яшаш давомийлиги ўсиши, тиббий хизмат сифати юксалиши, замонавий таълим олиш имкониятлари, иш куни давомийлиги қисқариши, фуқаролар ҳавфсизлиги ва бошқалар билан ифодаланади.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, ҳозирги даврда иқтисодий ўсиш омилларидан бўлиб *меҳнат, капитал, технологиялар, ер ва ахборот-коммуникация технологиялари* ҳисобланмоқда.

Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси глобал инновацияларни кенг жорий этиш асосида кўпгина давлатлар иқтисодий ўсишини таъминлашнинг асосий йўналишларидандир. Миллий иқтисодиётнинг ушбу соҳаси кўпгина давлатларда эндигина шаклланмоқда, лекин, ривожланган давлатларда эса у иқтисодий ўсишнинг локомотиви бўлиб хизмат қилмоқда. АКТ меҳнат унумдорлигини юксалтириш ва бошқа барча ресурслардан оптимал фойдаланишнинг асосий омили бўлиб, замонавий иқтисодиётда аҳамиятли ресурсларга айланмоқда.

Биз иқтисодий самарадорлик остида статистик маълумотларни шакллантириш, узатиш, қайта ишлаш ва тақдим этишда АКТдан кенг фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини тушунамиз. Иқтисодий самарадорликнинг

умумлаштирилган мезони маълум бир ишнинг бажарилишига кетадиган меҳнат ҳаражатларининг минималлашуви ҳисобланади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бошқарув ва бизнес жараёнларининг қанчалик кўп бўғинлари автоматлаштирилса, жорий қилинаётган АКТдан самарали фойдаланиш даражаси ҳам шунчалик юксалади.

Бевосита иқтисодий самарадорлик остида статистик масалаларни ечишга АКТни кенг қўллаш ҳисобига бошқарув ходимлари сони, иш ҳақи фонди қисқариши, асосий ва ёрдамчи материаллар ҳаражати қисқариши натижасида материал ва меҳнат ресурслари ҳамда пул воситалари тежалиши умумий ҳолатда тушинилади.

### МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида инновацион менежментни самарали қўллашнинг назарий ва амалий муаммоларини Ўзбекистон олимларидан Ш.Р.Орифханов, Б.Б.Абдуллаев, Р.Я.Досумов, И.И.Искандаров, Т.К.Иминов, А.М.Қодиров, М.А.Маҳкамова, Р.М.Муҳитдинова, Х.А.Мамажанов, И.А.Тўхлиев, М.Л.Турсунхўжаев, О.Ҳ.Ҳикматов, М.Ш.Шарифхўжаев, Л.И.Шибаршова, А.Н.Арипов, Х.А.Муҳитдинов, Т.З.Тешабаев ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ этилган. Академик М.Т.Ўрозбоев ташаббуси билан фанга киритилган бўлиб, биринчи марта В.И. Романовский номли математика институти қошида Ҳисоблаш техникаси бўлими очилган. Академик С.С.Ғуломов ҳам ахборот технологияларини ривожланишида қатор тадқиқот ишларини олиб борган. Академик В.Қ.Қобулов фикрига кўра “Иқтисодий кибернетика-машина технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганадиган янги фанга айланмоқда”<sup>1</sup>. Корхоналарда ахборот технологияларини ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунида<sup>2</sup>, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунида<sup>3</sup>, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги<sup>4</sup> қонунларида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ахборот-коммуникация соҳасида инновация ва инновацион фаолиятни бошқариш ҳамда янада такомиллаштириш бўйича иқтисодчи олимлар А.Н.Арипов<sup>5</sup>, А.М. Кадиров, К.

<sup>1</sup> Арипов М., Бегалов Б., Бегимқулов У., Мамаражабов М. “Ахборот технологиялари” Ўқув қўлланма. Т.: “NOSHIR”-2009.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонуни.

<sup>5</sup> Арипов А.Н., Иминов Т.К. «Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари» Монография -Т.: Фан ва технология, 2005.

Шакирова<sup>6</sup>, М.А.Махкамова<sup>7</sup> ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотда қўйилган мақсадга эришиш учун йўналиш танлаб олинган. Бирламчи ҳамда иккиламчи маълумот манбаларини чуқур ўрганиш ва асослаш учун тадқиқот стратегияси белгилаб олинган. Тадқиқот методологиясининг экспериментал, умумлаштириш каби усулларидан фойдаланилди.

### НАТИЖА ВА МУХОКАМА

Республикамизнинг хизматлар кўрсатиш соҳасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг улуши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари кўрсатишича алоқа ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасига тегишли бўлсада, у миллий иқтисодиётда катта роль ўйнайди. Алоқа соҳаси иқтисодий тизимнинг шундай таркибий қисмидирки, уларсиз ишлаб чиқариш жараёнларининг нормал ишлаши, шунингдек, аҳолининг ҳаётининг фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Алоқа деганда аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг инфратузилма таркибий қисми, шунингдек, ахборотлаштириш жараёнлари тушунилади. 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ахборот ва алоқа иқтисодий фаолият турида 12 204 та корхона ва ташкилотлар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) фаолият кўрсатмоқда. 2021 йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг сони 1 617 тага кўпайиб, 15,3 % га ўсган.



**1-расм. 1 январь ҳолатига кўра ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (бирликда) (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)<sup>8</sup>**

Юқоридаги диаграмма маълумотларига асосан, 2019-2023 йилларнинг 1 январь ҳолатига кўра, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва

<sup>6</sup> Кадиров А.М., Шакирова К., Инновационный потенциал повышение конкурентоспособности национальной экономике. // Сбор.

<sup>7</sup> Махкамова М.А. Развитие и управление инновационной деятельностью предприятий. Т.: ALOQACHИ НММ, 2006.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

ташкilotлар сонида барқарор ўсиш суръатлари кузатилган.



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хизматлар ҳажми (млрд. сўм)<sup>9</sup>**

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 22 917,6 млрд. сўмни ташкил этди ёки 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 25,5 % га ўсди. Ўзбекистон Республикаси бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми сўнги йилларда сезиларли даражада ошди. Демак, 2018 йилда мазкур соҳада хизматлар ҳажми 10 332,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 10 891,7 млрд. сўмга, 2020 йилда 13 852,3 млрд. сўмга етди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш телекоммуникация хизматларига тўғри келади – 64,2 %. Қуйида ҳудудлар кесимида кўрсатилган коммуникация хизматлари бўйича маълумотлар келтирилган.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган.





**3-расм. Худудлар кесимида телекоммуникация хизматлари (2022 йил январь-декабрь, млрд. сўм)<sup>10</sup>**

Худудлар бўйича маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 44,8 % ни ташкил этиб, 6 597,3 млрд. сўмга етди. Тегишли кўрсаткичлар бўйича кейинги етакчи ўринларни Фарғона (1 076,7 млрд. сўм ёки умумий ҳажмига нисбатан 7,3 %), Самарқанд (984,3 млрд. сўм ёки 6,7 %), шунингдек, Андижон (804,2 млрд. сўм ёки 5,5 %) вилоятлари банд этди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида алоқа хизматлари ҳажми 16 179,2 млрд. сўм даражасида қайд этилди ёки 2021 йилнинг мос даври билан таққослаганда 22,4 % га ўсди (амалдаги нархларда). Мобил алоқа хизматларининг (Интернетни қўшган ҳолда) умумий алоқа хизматлари ҳажмидаги улуши 49,3 % га тенг бўлиб, 7 971,8 млрд. сўмни, шу жумладан, аҳолига кўрсатилгани 7 295,3 млрд. сўмни ташкил этди.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган.



4-расм. Алоқа хизматлари таркиби (% да)<sup>11</sup>

Диаграмма маълумотларига кўра, сўнгги уч йил давомида, мобил ва бошқа алоқа хизматлари ўртасидаги нисбий тенгликни кўриш мумкин. Шундай қилиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан мобил алоқа хизматлари 23,5 % га, аҳолига кўрсатилган хизматлар эса 22,1 % га ўсди (амалдаги нархларда).

2023 йил 1 январь ҳолатига (дастлабки маълумотлар) кўра, мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони 31 98198 минг бирликни, шу жумладан, аҳолида 26 950,7 минг бирликни ташкил этди. Аҳолининг мобил алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 75 бирликни ташкил этди.



5-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича мобил алоқа абонентлари сони (йил охирига, минг абонент)<sup>12</sup>

Сўнгги йиллар давомида уяли алоқа абонентлари сони фақат ўсиб борган ва таҳлил қилинаётган йиллардаги юқори ўсиш суръатлари 2021 йилда қайд этилган (111,7 %).

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

## 1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича мобил алоқа абонентлари сони, (1 январь ҳолатига кўра, минг абонент)<sup>13</sup>

Худудлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Ўзбекистон Республикаси	21 954,5	23 846,7	25 971,3	29 022,4	31 981,9
Қорақалпоғистон Республикаси	1 262,7	1 332,2	1 377,7	1 427,4	1 499,2
Андижон	1 829,8	2 003,4	2 166,9	2 498,4	2 696,3
Бухоро	1 247,6	1 350,5	1 404,8	1 488,8	1 547,6
Жиззах	782,8	838,3	917,1	958,5	1 027,1
Қашқадарё	1 692,3	1 857,8	1 996,8	2 068,2	2 207,2
Навоий	785,2	850,8	915,4	944,3	1 027,5
Наманган	1 651,4	1 831,1	1 941,2	2 212,3	2 386,3
Самарқанд	2 095,9	2 263,3	2 449,7	2 774,2	2 993,5
Сурхондарё	1 313,7	1 457,5	1 515,6	1 608,4	1 762,2
Сирдарё	554,6	593,3	614,6	705,1	729,7
Тошкент	662,5	1 191,6	1 405,1	1 672,0	2 021,5
Фарғона	2 333,8	2 578,3	2 858,9	3 026,2	3 230,7
Хоразм	1 144,1	1 227,3	1 281,5	1 315,2	1 402,9
Тошкент ш.	4 598,1	4 471,3	5 126,0	6 323,4	7 450,1

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотларига асосан) Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 313 бирликни ташкил этди. 2022 йилнинг III чораги билан таққослаганда, таҳлил қилинаётган давр мобайнида халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказувчанлик қобилияти ўзгаришсиз қолди (3200 Гбит/с гача).

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган.



**ХУЛОСА**

Республикамизда истиқболдаги иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари тарзида қуйидаги йўналишлар белгилаб олинган:

- миллий иқтисодиётни фаол таркибий қайта қуриш;
- ҳомашё экспорт қилишдан юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар экспортига босқичма-босқич ўтиш;
- иқтисодий эркинлаштиришни давом эттириш ва иқтисодиётда давлатнинг улушини камайтириб бориш;
- молиявий секторни янада ривожлантириш;
- “билимлар иқтисодиёти”ни шакллантириш учун инсон капиталига инвестицияларни ошириш;
- жамиятни кенг ахборотлаштиришни таъминлаш;
- инновацион институтларни ташкил қилиш;
- ҳудудларни комплекс ривожлантириш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, “билимлар иқтисодиёти”ни шакллантириш ва ахборотлаштириш жараёнларини кенг кўламда амалга ошириш иқтисодий ўсишимизнинг асосий омилларидан ҳисобланмоқда.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонуни.
4. Арипов А.Н., Иминов Т.К. «Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари» Монография -Т.: Фан ва технология, 2005.
5. Кадиров А.М., Шакирова К., Инновационный потенциал повышение конкурентоспособности национальной экономике. // Сбор.
6. Махкамова М.А. Развитие и управление инновационной деятельностью предприятий. Т.: ALOQASHI НММ, 2006.
7. Арипов М., Бегалов Б., Бегимкулов У., Мамаражабов М. “Ахборот технологиялари” Ўқув қўлланма. Т.: “NOSHIR”-2009.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги.  
[www.stat.uz](http://www.stat.uz)